Эрурсен шоҳ, агар огоҳсен сен, Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен

# Хабар

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 2000 йил, 11 февраль, жума, № 6 (389) ● Сотувда нархи эркин

## ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

*Тошкент Алоқа коллежида «Огоҳлик — давр талаби» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда пойтахтимиздаги ўрта ва махсус ўқув юртлари ҳамда академик лицейлар ўқитувчилари, ўқувчилари иштирок этишди.*

Кейинги пайтда «Ҳизбут таҳрир», «Ваҳҳобий», «Акрамия», «Ҳизбуллоҳ» каби турли салбий оқимлар ҳақида кўп гапириладиган бўлди. Хўш, ўзларини диннинг ҳақиқий жонкуярлари деб ҳисоблайдиган ушбу оқим намояндаларининг асл мақсад-маслаклари нима? Ўн уч асрдан буён ислом динининг имоми Аъзам мазҳабида Нақшбандия тариқатига амал қилиб келаётган юртдошларимизга улар яна нималарни ўргатишмоқчи? Улар тутган йўл тўғрими?

Илмий-амалий анжуманда худди ана шу саволларга батафсил жавоб берилди. Анжуманда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари Р. Ж. Акромов, Э. М. Эрназаров, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар қўмитаси раиси Фозил қори Собиров, Тошкент шаҳар ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи И. И. Зокировлар сўзга чиқишиб, турли диний экстремистик оқимларнинг келиб чиқиш тарихи, улар тутган нопок йўл бутун дунёга хавф солаётгани, дунёвий жамият қураётган

давлатимизда диннинг ўрни ва вазифалари ҳақида гапиришди. Айниқса, Фозил қори Собировнинг қуйидаги гаплари кўпчиликни тўлқинлантириб юборди: «Собиқ Иттифоқнинг 70 йиллик даврида халқимизнинг юрагида имон бор эди. Яшириб бўлса-да, бандаликни бажо келтирганларга жаноза ўқирдик, аҳду паймон қилган эшларимизни никоҳлаб қўярдик. 1933 йили Маккага зиёратга борган Бухоронинг собиқ ҳукмдори Саид Олимхон кўзларида ёш ила ўғлига «Бу ерда одамларни савалаб, мачитга киргизишяпти, бизнинг юртимизда эса қизил империячилар халқимизни мачитлардан отиб, уриб ҳайдаб чиқаришяпти. Бизнинг садоқатли, улуғ халқимиз бор» деган экан. Динни ниқоб қилиб, ёшларни йўлдан оздираётган кимсалар Яратганнинг қаҳрига учраши муқаррар».

Анжуманда ўқувчи ёшлар ҳам сўзга чиқишиб, «Давлатимиз билдирган ишончни оқлаймиз, тўғри йўлдан адашмаймиз» дейишди.

**Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ**

## ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг радиочастоталар давлат қўмитаси билан ҳамкорликдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни агентлик Бош директори Ф. Абдуллаев бошқарди.

«Ўзбекистон Республикасининг Бутунжаҳон радиоалоқа анжуманига улушини қўшиши лойиҳаси» ҳақида Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази бошлиғи Р. Исаев маълумот берди. Маълумки, ушбу анжуман Халқаро электралоқа иттифоқининг низомига кўра доимий равишда чақириб турилади.

Кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси электралоқа корхоналарининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда корхонанинг 1999 йилги иш якунлари ва келгуси режалари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Бу ҳақда Қорақалпоғистон Республикаси давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг бошлиғи Ў. Таженов маъруза қилди.*

*Кўрилган масалалар муҳокамасида электралоқа тармоқлари бошлиқлари сўзга чиқишди.*

## НУКУСДА ЙИҒИЛИШ

*«Маҳаллий Телеком» акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ўртасида тузилган меҳнат шартномасининг 1998 ва 1999 йилларда бажарилиши юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Н. Раимова ахборот берди.*

*Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғы Кенгесининг транспорт ва алоқа бўлими бошлиғи Г. Ражабов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг транспорт ва алоқа бўлими бошлиғи И. Йўлдошев, «Маҳаллий Телеком» акциядорлик компанияси бош директор ўринбосари М. Кожакинлар қатнашди.*

*Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.*

**Қуанышбой ТЎЛЕГЕНОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси**

*«Самарқанд Телеком» шўъба корхонасида ўтган йил якунлари ва янги иш режаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда корхонанинг 1999 йил иш якунлари ва жорий йилдаги вазифалар тўғрисида корхона бош директори Х. Хакимов маъруза қилди.*

## ЯКУНЛАР ВА РЕЖАЛАР

Ўтган йили аҳолига телефон хизмати кўрсатиш борасида ижобий натижаларга эришилди. Корхонанинг йиллик умумий даромади 1 миллиард 32 миллион сўмни ташкил этди. Вилоят аҳолисига 258 миллион сўм ўрнига 327 миллион сўмлик электралоқа хизмати кўрсатилди. Шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларда 1998 йилга нисбатан 21,2 фоиз ўсишга эришилди. Қурилиш-ободонлаштириш тизимларида ҳам бир мунча ишлар бажарилди. Самарқанд шаҳрида «Сименс» фирмасининг 5000 абонентга мўлжалланган ва қиймати 78,6 миллион сўмлик рақамли электрон станцияси (34-АТС) фойдаланишга топширилди. Вилоятнинг қишлоқ жойларида 400 абонентга мўлжалланган, қиймати 60,5 миллион сўмлик Индонезияда АҚШ лицензияси асосида тайёрланган АРТС русумидаги симсиз радиотелефон тизими монтаж қилиниб, фойдаланишга топширишга ҳозирлаб қўйилди.

Бу ютуқларда Каттақўрғон, Самарқанд шаҳри, Нарпай туман филиалларининг муносиб ҳиссаси бор. Аммо ҳамма жойда ҳам аҳвол яхши деб бўлмайди. Вилоятнинг Пойарик, Қўшрабод ва Оқдарё туман филиалларида белгиланган йиллик режа уддаланмади.

Йиғилишда корхонани 2000 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асосий вазифалари ҳам белгиланди. Жумладан, аҳолига телефон алоқаси хизмати кўрсатиш сифатини оширишишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза этиш, дебитор қарзларини камайтириш сингари долзарб масалаларни амалга ошириш вазифалари белгилаб олинди.

Музокараларда корхонанинг Челак филиали директори А. Тоштемиров, Оқдарё филиали директори А. Шавкиев, Пахтачи филиали директори Ё. Холмуминов, Нарпай филиали директори Х. Қурбонов ва бошқалар сўзга чиқишди. Йиғилишда «Маҳаллий Телеком» акциядорлик компанияси бош директори А. Ҳ. Журабоев, «Ўзбектелеком интернешнл» акциядорлик жамияти қўшма корхонаси бош директори Т. М. Бикметов, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Т. Назаржонов, вилоят ҳокимлигининг транспорт ва алоқа бўлими мутахассиси А. Туроновлар ҳам иштирок этишиб, «Самарқанд Телеком» шўъба корхонаси томонидан 1999 йилда бажарилган ишлар, ютуқ ва камчиликлар тўғрисида ўз таклиф, фикрмулоҳазаларини билдиришди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Зебо ХУДОЁРОВА,**
**Самарқанд вилояти**

## ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

«Қашқадарё Телеком» шўъба корхонасининг кенгайтирилган йиғилиши 1999 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ҳамда корхонанинг 2000 йилдаги иш режаларига бағишланди. Унда «Қашқадарё Телеком» шўъба корхонасининг етакчи мутахассислари, шаҳар ва туман филиаллари бошлиқлари, бош ҳисобчилари, муҳандислари иштирок этишди. Йиғилишни Қашқадарё вилояти алоқа ходимларининг бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Қўчқор Каримов олиб борди.

Корхонанинг 1999 йилдаги иш фаолияти якунлари ва 2000 йилдаги режалари ҳақида корхона бош директори С. Каримовнинг маърузаси тингланди. Маърузачи воҳа алоқачилари ўтган йили режалаштирилган 685 миллион 325 минг сўм ўрнига, 713 миллион 522 минг сўмлик алоқа хизмати кўрсатганликларини, телекоммуникация соҳасида сифат ва самарадорликка алоҳида эътибор қаратилгани, барча соҳалар бўйича 1998 йилга нисбатан юқори натижаларга эришилганини таъкидлаб ўтди.

Музокараларда Шаҳрисабз филиали директори Иброҳим Бурҳонов, Ғузор филиали директори Музаффар Ҳаққулов, У. Юсупов филиали директори Араббой Раззоқов, вилоят давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Йўлдош Жовбуновлар сўзга чиқишди.

Йиғилишда иштирок этган «Ўзбектелеком интернешнл ҲЖ» қўшма корхонаси бош директори Т. Бикметов, «Маҳаллий Телеком» акциядорлик компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Э. Аллаев, Қашқадарё вилоят ҳокими ўринбосари О. Худойназаровлар ютуқ ва камчиликларни таҳлил этиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Б. АРАБОВ,**
**Қашқадарё вилояти**

Сафар Тошбоев асли Бойсундан. Тумандаги Кофрун қишлоғида туғилган. Алоқа ходими бўлишга ёшлигидан ихлос қўйди. Ёдида, ўша пайтлар қишлоқдошлари бир-бирлари билан сим орқали боғланиш нималигини билишмасди. Ҳатто уйларда радио ўрнига яккам-дуккам патефон бўларди.

# КОФРУНЛИК КАДР КАМОЛИ

Сафар акага бундан ярим аср илгариги ҳаёт бугун негадир эртакдай туюлади. Негаки, у беқиёс ўзгаришлар даврида камол топди. Севимли касбини эгаллаш йўлида астойдил изланди, машаққатлардан бўйин товламади. Натижада олий маълумотли кадр бўлди. Дастлаб ўз қишлоғи Кофрунда, кейинчалик туман марказида меҳнат қилди.

70-йилларнинг бошида кўплаб бойсунликлар Сурхон-Шеробод чўлини ўзлаштиришга отланишди. Ташаббускорлар сафига Тошбоевлар оиласи ҳам қўшилишди. Янги юрт ташвишлари алоқа ходими Сафар Тошбоевни ҳам имтиҳон қилди. Танлаган касбига меҳри ва садоқати қийинчиликлар олдида бош эгмай ишлашида таянч бўлди. Аста-секин Музработ (собиқ Гагарин тумани)да ҳам қишлоқ ва посёлкалар қад ростлади. Бу манзилларга телефон, радио симлари тортилди. Одамлар иш унумида, қавму-қариндошдан ҳол-аҳвол сўраб туришда телефоннинг, меҳнатдан сўнг мириқиб ҳордиқ чиқаришда радионинг ўрни беқиёслигини кўришди; алоқа хизмати ходимлари меҳнатига ҳурмат-эътибор ортиб борди. Тўғри, Сафар Тошбоев чўлга келиб канал қазмади, бульдозер ҳайдамади, аммо беминнат хизмати билан эл назарига тушди.

Мана, бир неча йилдирки у «Сурхондарё Телеком» шўъба корхонасининг Музработ филиалига раҳбарлик қилиб келмоқда. Қарийб 100 кишилик жамоани жипслаштиришда моҳир раҳбарнинг хизмати каттадир. Шунинг учун ҳам Сафар Тошбоев таваллудининг қутлуғ 50 йиллик тўйи жамоа аъзолари учун байрамга айланди.

Сафар ака кеча севимли касби измига тушган, оддий илмга ташна инсон эди. Бугун эса алоқа соҳасининг етук мутахассиси, аҳил жамоанинг раҳбари. Айни пайтда катта оила бошлиғи, бир неча невaранинг бобосидир.

— Соҳамизда рўй бераётган туб ўзгаришлар вақти келиб музработлик алоқа ходимлари фаолиятига ҳам янгича мазмун бахш этади, — дейди С. Тошбоев. — Рақамли телефон станцияси ишга тушгач, хизмат суръати ва сифати янада яхшиланади.

Заҳматкаш алоқачи Сафар Тошбоев янги минг йилликка улуғвор ниятлар билан қадам қўймоқда.

**Н. ЗИЁЕВ,**
**жамоатчи мухбиримиз**

# БУЮК АЛЛОМА ТАВАЛЛУДИГА АТАБ

Тошкент электротехника Алоқа институтида буюк аллома ва ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 559 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Уни институтнинг маънавият-маърифат бўлими бошлиғи А. Ҳусанова, ўзбек ва рус тили кафедрасининг доценти Ф. Йўлдошева, катта ўқитувчи М. Эргашева ҳамкорликда ташкил этишди.

Алишер Навоий лирикасидан тузилган мушоирада ўзбек, рус, корейс, грузин, арман, татар, яҳудий миллатига мансуб талабалар фаол иштирок этишди.

Алишер Навоий ижоди орқали ёшларимизнинг Она-Ватанга ва халқига бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини янада кучайтириш мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад эди. Мушоира барчада катта таассурот қолдирди.

**Н. КАРИМОВА,**
**ТЭАИ маънавий-маърифий масалалар бўйича бўлим методисти**

**«Фарғона Телеком» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳиссадорлик жамияти бош директори Давлат Деҳқонович Тошматовга отаси**
**Деҳқон ТОШМАТОВнинг**
**вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.**

**«Фарғона Телеком» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳиссадорлик жамиятининг Сўх филиали директори Алижон Шеровга отаси**
**Раҳмоншер ШЕРОВнинг**
**вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.**

**«Фарғона Телеком» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳиссадорлик жамиятининг ишлаб чиқариш лабораторияси бошлиғи Миродил Турсунбоевга отаси**
**Турсунбой ҚОДИРОВнинг**
**вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.**


## «СИРДАРЁ ТЕЛЕКОМ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

Меҳнатобод, Мирзаобод, Оқолтин ва Шароф Рашидов филиалларига координат АТСларида ва қишлоқ телефон станцияларининг жипслаштириш аппаратураларида ишлашни биладиган, алоқа тизимида камида уч йил меҳнат қилган, ўрта махсус ва олий маълумотли мутахассислар ишга таклиф қилинади.

Бошқа шаҳарлардан ишга келган мутахассислар юқорида кўрсатилган туман марказларида бепул икки хонали уй ва шартнома асосида кўчиб келиш учун ёрдам маблағи билан таъминланади.

Иш ҳақи 15000 (ўн беш минг) сўмдан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

Мутахассислар танлов бўйича суҳбат асосида ишга қабул қилинади. Ҳужжатлар 2000 йил, 1 мартгача қабул қилинади.

**Қўшимча маълумотлар учун ТЕЛЕФОНЛАР:**
**25-09-29, 25-38-03, 25-21-14.**
**«СИРДАРЁ ТЕЛЕКОМ» ҲЖ бошқаруви**


## Тошкент электротехника Алоқа институти қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади:

**Доцентлар:**

1. Физика — 1.

**Катта ўқитувчилар**

1. Радиоалоқа қурилмалари — 2;
2. Алоқа қурилмаларининг электр таъминоти — 1.

**Ассистентлар**

1. Олий математика — 1;
2. Информатика — 1;
3. Ўзбек ва рус тиллари — 1.

Аризалар эълон чоп этилгандан кейин бир ой муддат ичида қабул қилинади.

*Танловда кўрсатилган мутахассисликлар бўйича доцентлар, фан номзодлари қатнашишлари мумкин.*

**Институт манзили: Тошкент ш., А. Темур кўчаси, 108 уй.**
**Тел: 35-11-50.**

# СПИСОК ЛИЦЕНЗИЙ

## НА ПРЕДОСТАВЛЕНИЕ УСЛУГ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЙ, ВЫДАННЫХ УЗБЕКСКИМ АГЕНТСТВОМ ПОЧТЫ И ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЙ (МИНИСТЕРСТВОМ СВЯЗИ РУз) ПО СОСТОЯНИЮ НА 30.12.99г.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 16 | Государственный налоговый комитет Республики Узбекистан | 28.08.99 г. | РТ № 0000061 |
| 17 | Совместное предприятие «Радио Пейдж Семург» | 28.08.99 г. | РТ № 0000062 |
| 18 | «Узинкомцентр» | 28.08.99 г. | РТ № 0000064 |
| 19 | Акционерное общество открытого типа «Тошкент шахар телефон тармоги» | 28.08.99 г. | РТ № 0000060 |
| 20 | Дочернее предприятие «UzNET» | 17.11.99 г. | РТ № 0000092 |
| 21 | Информационный центр «AMALIY ALOQALAR BIZNESI» в виде общества с ограниченной ответственностью | 17.11.99 г. | РТ № 0000094 |
| 22 | Частная производственно-коммерческая фирма «ALBATROS» | 17.11.99 г. | РТ № 0000095 |

**Проектирование, строительство и эксплуатация распространения телерадиопрограмм**

| 1 | 2 | 3 | 4 |
|---|---|---|---|
| 1 | Республиканское производственное объединение радиовещания, радиосвязи и телевидения | 17.11.99 г | РТ № 0000073 |
| 2 | Акционерное общество закрытого типа «Молодежная телерадиокомпания Андижан» | 17.11.99 г. | РТ № 0000080 |
| 3 | Узтелерадиокомпания | 17.11.99 г. | РТ № 0000074 |
| 4 | Частная фирма «Эдельвейс Али» | 5.09.98 г. | РТ № 0000025 |

**Проектирование, строительство и эксплуатация распространения телепрограмм**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | Творческая производственная телевизионная организация «VITA TV plus» | 17.11.99 г. | РТ № 0000083 |
| 2 | Совместное узбекско-американское предприятие «Камалак ТВ» | 17.11.99 г. | РТ № 0000082 |
| 3 | Узметкомбинат (Бекабад) | 17.11.99 г. | РТ № 0000076 |
| 4 | Производственная фирма «Бахтиёр Шахбоз» | 11.09.98 г. | РТ № 0000019 |
| 5 | Алмалыкский горно-металлургический комбинат | 17.11.99 г. | РТ № 0000075 |
| 6 | Частное производственное предприятие «Алока АК» | 22.09.98 г. | РТ № 0000021 |
| 7 | Предпринимательская фирма «АРК» | 17.11.99 г. | РТ № 0000078 |
| 8 | Общество с ограниченной ответственностью «Истиклол ТВ» | 22.09.98 г. | РТ № 0000081 |
| 9 | Телевизионное творческое объединение «САМАРКАНД-СТВ». | 17.11.99 г. | РТ № 0000079 |
| 10 | Общество с ограниченной ответственностью «Коинот-ТВ» | 17.11.99 г. | РТ № 0000077 |
| 11 | Телекомпания «Эй-Эл-Си» | 30.09.98 г. | РТ № 0000027 |
| 12 | Телецентр «Чирчик ТВ» | 30.09.98 г | РТ № 0000031 |
| 13 | Телерадиокомпания «Орбита» | 15.10.98 г. | РТ № 0000033 |
| 14 | Кабельная и эфирная коммерческая телестудия «Мулокот» | 13.11.98 г. | РТ № 0000035 |
| 15 | Телестудия «Калдиргоч» | 13.11.98 г. | РТ № 0000036 |
| 16 | Телевидение «Маргилан» | 3.12.98 г. | РТ № 0000037 |
| 17 | Общественная телекомпания «Тараккиёт ТВ « | 3.12.98 г. | РТ № 0000038 |
| 18. | Шерабадское районное телевидение | 22.12.98 г. | РТ № 0000040 |
| 19 | Закрытое акционерное общество «Шарк телевидениеси» | 22.12.98 г. | РТ № 0000041 |
| 20 | Навоийский горно-металлургический комбинат | 22.12.98 г. | РТ № 0000042 |
| 21 | Кабельная и эфирно-коммерческая телестудия «Нихол» | 22.12.98 г. | РТ № 0000043 |
| 22 | Телестудия «Багдод» | 22.12.98 г. | РТ № 0000044 |
| 23 | Телевидение «Бекобод ойнаи жахони» | 22.12.98 г. | РТ № 0000045 |
| 24 | Муниципальная телекомпания «Карши» | 24.02.99 г. | РТ № 0000046 |
| 25 | Турткульское телевидение T.T.V. | 24.02.99 г. | РТ № 0000047 |
| 26 | Телевидение «Нурота» | 24.02.99 г. | РТ № 0000048 |
| 27 | Частная фирма «Ал-Само» | 26.03.99 г. | РТ № 0000050 |
| 28 | Телестудия «Ишонч-ТВ» | 26.03.99 г. | РТ № 0000051 |
| 29 | ЗАО «O'ZBEKISTON KABELL TELEVIDENIYASI» | 28.08.99 г. | РТ № 0000068 |

**Проектирование, строительство и эксплуатация распространения радиопрограмм**

| | | |
|---|---|---|
| Совместное предприятие «Рубикон Радио Системс» | 30.09.98 г. | РТ № 0000029 |

• Алишер НАВОИЙ таваллудининг 559 йиллигига

**Алишер НАВОИЙ**

# ҒАЗАЛ

*Ўн саккиз минг олам ошибу агар бошиндадур,*
*Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур.*

*Деса бўлғайким, яна ҳам ўн саккиз йил ҳусни бор,*
*Ўн саккиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.*

*Ўн саккиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур*
*Ҳусн шоҳи, ул балоларким кўзу қошиндадур.*

*Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,*
*Барчаси эзид таоло сунъи наққошиндадур.*

*Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин,*
*Ақлға юз ҳайрат ул ойинг ичу тошиндадур.*

*Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масиҳ,*
*Булъажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур.*

*То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашк,*
*Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.*



Қишнинг ҳам ўз гашти бор.

# НОН — АЗИЗ ВА МУҚАДДАС

Ривоят қилишларича, подшо Ҳусайн Бойқаро одамларига дунёдаги энг ёқимли ҳидга эга бўлган нарсани келтиришни буюрибди. Мулозимлар дунёдаги ҳамма хушбўй гул ва кўкатлардан келтирибдилар, лекин улар подшога ёқмабди. Нима қилишни билмай қолган вазирлар охири ҳазрат Алишер Навоийдан маслаҳат сўрабдилар. Навоий уларга тандирдан янги узилган бир сават нон олиб боришни буюрибди. Подшо нонни ҳидлаб, энг ёқимли ҳид нонники эканлигига тан берибди.

Дарҳақиқат, халқимиз нонни азалдан эъзозлаб келади, ҳамма нарсадан афзал, азиз ва муқаддас деб билади. Ота-боболардан қолиб келаётган удумга, анъанага биноан, ҳатто нонни дастурхонга тескари қўймайдилар, нонниг устига бошқа нарсани қўймайдилар, нонниг устидан ҳатлаб ўтмайдилар, агар нон қўлдан тушиб кетса, дарҳол уни олиб, уч марта ўпиб, пешоналарига сурадилар. Нонни эъзозлаш, хор қилмаслик, исроф этмаслик ҳақида қуйидаги пурҳикмат мақоллар ҳам бежиз яратилмаган: «Нон ҳам — нон ушоғи ҳам — нон», «Нон ҳидида ҳаёт бор, Ҳар мағзида мамот бор», «Нон бўлса бас, ўзгаси ҳавас» ва ҳ. з. о.

Неъматлар ичида энг азизи, мўътабари бўлмиш нон ҳақида кўп ва хўп айтилган ва ёзилган. Мундоқ қараганда бу ҳақда янги гап айтиш қийин. Камина бу масаланинг ўзим кўпдан буён кузатиб юрган айрим жиҳатлари ҳақидагина гапирмоқчиман.

Маълумки, пойтахтнинг тўй-тўлқинлари, маърака-маросимлари бошқа вилоятларга нисбатан анча тартибга тушган. Меҳмонлар олдидаги нон оппоқ, тоза дастурхонларга қўйилади, ҳатто нон солинган саватларга ҳам оппоқ дастурхон ташланган бўлади. Буни кўриб баҳри-дилингиз очилади, албатта. Афсуски, ҳамма жойда бундай эмасда. Бозорлардаги нонфурушларнинг саватлари, яшиклари ва болалар аравачасидаги нонлари устига кир-чир мато, (уларни дастурхон дейишга ҳам тил бормайди) ҳатто кўрпача, адёл ёпилган бўлади. Бошқаларни билмадиму, аммо мен бундай жойдан нон харид қилгим келмайди. Нонфурушларнинг ғашни келтирадиган яна бир қилиғи бор. Улар уйлари олдидаги чанг-тўзон кўтарилиб турадиган катта кўча бўйидаги стул ёки курсига нонни... михлаб ёки шундоқ ташлаб қўяверишади. Бу уларнинг «жонли реклама»си бўлса керак.

Бундай нохуш манзаралар ўз фойдасидан бошқа нарсани тан олмайдиган, тўқимтабиат нонфурушларнинг фаросатсизлигидир. Хўш, энди ўзимизнинг нонга муносабатимиз қандай? Мен бу саволга афсус билан «Кўнгилдагидай эмас!» деб жавоб бераман. Нега дейсизми? Энди бердисини айтай. Йўқ, мен бу ўринда ўша нонга қўлини, қошиғи ва оғзини артадагин нонкўрлар ҳақида (ҳа, бундай ярамаслар ҳалиям бор) эмас, бошқа нарса ҳақида айтмоқчиман.

Маълумки, хонадонларга нонни кўпинча ёш болакайлар харид қилиб (катталар иш билан банд бўлади) келтиришади. Уларнинг қўлида аксарият ҳолларда нон солинадиган бирон бир халта ёки сумка бўлмайди. Шу боис болакай нонни кўпинча қўлтиғига қисиб, оёғи билан консерва қутисини тепиб келаверади. Уйинга қизиқиб кетса, нонни бир неча бор қўлидан тушириб юборади. Ён-веридан ўтган катталар эса бунга бефарқ, безътибор...

Нонга бундай бепарво қарайдиган хонадонларда нон сақланадиган махсус жой — қути, сандиқ ёки шкаф ҳам бўлмайди. Нон дуч келган жойга ташлаб қўйилаверади.

Менга жуда-жуда эриш, хунук туюладиган яна бир манзара ҳақида сўзламоқчиман. Айрим бойвачча ёки бефаросат кимсалар машиналарининг орқа ойнаси остидаги токчага нонни шундоққина ташлаб қўяверишади. Нонниг остига ҳеч нарса тўшалмаган, автомобиль ичидаги чанг-тўзон билан иши йўқ. Улар шундай қилмишлари туфайли нондай азиз неъматга беҳурматлик қилишаётганини билишармикин?

Мулоҳазаларимнинг адоғида яна бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Оила даврасида жамулжам бўлиб тановул қилинаётганда кўпинча болакайлар билиб-билмай нон ушоғини ўзлари ўтирган кўрпачага... оёқ остига беихтиёр тушириб юборадилар. Катталар бунга бефарқ қарамасликлари керак, албатта. Дастурхонда қолган-қутган нон ушоғини эса «Қушлар еб кетади» дея дуч келган ерга тўкавериш ҳам номақбулдир.

Нонни увол қилмайлик, азизлар!

**Шодмон ОТАБЕК**

# БУ — ҚИЗИҚ!

*Оптика фанининг асосчиси Ибн Ҳайсан ҳисобланади.*

* * *

*«Кичик қон айланиши» ҳодисасини европаликлардан уч аср олдин XIII асрда яшаган олим Ибн-ун Нафс аниқлаган.*

* * *

*Ойнинг илк харитасини Али Қушчи чизган.*

* * *

*Ўнлик каср тизимини дастлаб Ғиёсиддин Жамшид қўллаган.*

* * *

*Пастердан 400 йил муқаддам микробларнинг мавжудлигини олим Оқшамсиддин кашф этган.*

* * *

*Атом марказининг протон ва нейтрон бўлинишини 1932 йили инглиз олими Жемс Чадвик аниқлашга муяссар бўлган.*

* * *

*Булутда заряд борлигини даставвал Франклин 1752 йили кашф этган.*

* * *

*XVIII-XIX асрга келиб ҳайвонларнинг ақли борлиги ҳақида фикрлар юзага келган. Уни биринчи бўлиб Дорун номли олим айтган.*

# БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

— Ўғлим, ғижжакда яхши куй чалиб берсанг, музқаймоққа пул бераман, — деди она.

— Ғижжак чалмасам дадам иккита музқаймоққа пул бераркан, — жавоб қилди ўғил.

***

Кичкина болакай дадаси билан ҳайвонот боғида айланиб юрарди. Шер қафаси ёнига келишгач, дадасидан сўради:

— Дада, агар шер сизни еб қўйса, нечанчи автобусда уйимизга борай?!

***

Ота ўғлига эртак ўқирди. Вақт алламаҳал бўлганда ётоқхонага она кириб деди:

— Хўш, ухлаб қолдими?

— Хайрият, ухлади ахийри, — деб жавоб берди ўғил.

# ҚУТЛАЙМИЗ!



**Ҳурматли Маликахон ХУДОЙҚУЛОВА!**

Сизни 50 ёшингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, бахту иқбол, мураббийликдек шарафли ишингизда омад ва зафарлар тилаймиз.

***Тошкент электротехника Алоқа институти қошидаги телекоммуникациялар лицей-интернати жамоаси***

# ТАБРИКЛАЙМИЗ!

***«Қашқадарё Телеком» шўъба корхонаси Ғузор филиали жамоаси филиал иқтисодчиси Ташан ДАВЛАТОВни 60 ёши билан чин дилдан табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилайди.***

***

***«Наманган Телеком» ҲЖнинг Тўрақўрғон филиали жамоаси филиал директори Муҳаммадамин ДАМИНОВни туғилган куни билан табриклаб, унга оилавий бахт, соғлик-саломатлик тилаб қолади.***

***

***Тошкент электротехника Алоқа институти жамоаси фалсафа кафедраси мудири Саидрасул САНГИНОВни туғилган куни билан самимий қутлаб, унга мустаҳкам соғлик, ишларида улкан зафарлар тилайди.***

***

***«Фарғона почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг Ровон филиали Лемберг алоқа бўлими бошлиғи Зиёратхон УСМОНОВА ва Ровон филиали хабарчиси Аъзамжон РОЗИҚОВларнинг таваллуд топган кунлари билан жамоа аъзолари чин қалбдан табриклайдилар. Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат ва ишларида муваффақиятлар тилайди.***


МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №00011. Буюртма № Г-132.
8922 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти— 18.00
123456

